

УДК: 636.22/.28.082

БУШУЕВ ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ФОЙДАЛИ БЕЛГИЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЕТАКЧИ ТИЗИМЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

¹Бойбулов Бурхон Шодиевич, ²Юнусов Худайназар Бекназарович

¹Мустақил изланувчи (DSc), қ.х.ф.н., катта илмий ходим, ²Илмий маслаҳатчи, б.ф.д.,
профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13848071>

Аннотация. Генофонд подалар яратишда етакчи тизимлар бўйича қорамолларни урчитиши муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу эса юқори маҳсулдор сигирлар подасини яратиши суръатини тезлаштириши имконини беради. Мақолада бушуев зотли қорамолларнинг генофондини сақлаб қолишда мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқотларни олиб бориши долзарб аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

Калим сўзлар: Бушуев, зот, қорамол, насл, селекция, тизим, генофонд, технология, сут, маҳсулдорлик.

Аннотация. Разведение крупного рогатого скота по ведущим системам создания генофондных стад имеет важное научное и практическое значение, позволяющее ускорить темпы создания стада высокопродуктивных коров. В статье подчеркивается острая важность проведения научных исследований в этом направлении в сохранении генофонда бушуевского скота.

Ключевые слова: Бушуев, порода, крупный рогатый скот, порода, селекция, система, генофонд, технология, молоко, продуктивность.

Abstract. Breeding cattle according to the leading systems in creating gene pool herds has important scientific and practical value, which allows to accelerate the pace of creating a herd of high-yielding cows. The article highlights the urgent importance of carrying out scientific research in this direction in preserving the gene pool of Bushuev cattle.

Keywords: cattle, breed, herd, red desert, Holstein, milk, offspring.

Республикамиз аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш чорвачиликни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида чорва молларининг насл, маҳсулдорлик, пуштдорлик ва бошқа селекция белгиларини такомиллаштириш соҳа олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4576 Қарор, 2021 йил 3 мартдаги "Чорвачилик тармоғларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5017 Қарорларида чорва моллари бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда уларни генофондини сақлаш ва наслини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу эса фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратади.

Қорамолчилик, чорвачиликнинг энг етакчи тармоғи бўлиб, Республикамининг фермер хўжаликларида урчитиш учун режалаштирилган қорамол зотларидан бири бушуев зотидир. Бу зот республикамизда яратилган ягона сут йўналишидаги қимматли ва муҳим

биологик ҳамда хўжалик фойдали белгиларига эга қорамол зоти ҳисобланади. Аммо бу зотга мансуб қорамолларнинг кейинги йилларда бош сони ва маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Шу туфайли бу зотни фақат соф зотли урчитишда бош сонини сақлаб қолиш ҳозирги кунда республикаимиз чорвачилик фани ва амалиётида турган энг долзарб вазибалардан биридир. Бош сони камайиб бораётган ва йўқолаётган зотларни сақлаб қолишда генофонд подалар яратиш ҳамда кейинчалик хўжаликлар тармоғини кенгайтириш энг муҳим ва самарали усуллардан ҳисобланади.

Соҳада озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга насличилик ишини ва молларни асраш шароитларини яхшилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Чорва озуқасидан унумли фойдаланиш ҳазмланишни яхшилаш, маҳсулдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади. А.А.Нурматов, Б.Д.Аллашов, Ш.Жабборов, И.Рустамова, Ш.Турсуновлар таъкидлашларича қорамолларни Кореянинг ТМР технологияси билан боқиш озуқа самарадорлигини ошириш ва шу билан бирга маҳсулдорликни оширишга олиб келади. Б.Д.Аллашов, Д.О.Раҳмонов, А.П.Безверховларнинг ишларида махсар экиннинг ейилувчанлик хусусиятлари, бошқа озуқа экинларига нисбатан афзалликлари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шўрланган ерларда озуқа базасини яхшилаш мақсадида М.И.Аннаева, Ф.Н.Тореев, М.М.Якубов, Б.Д.Аллашов, Н.Мавлоновлар томонидан қашқарбедани етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Б.Д.Аллашов, А.Э.Янгибоев О.Р.Куччиевлар томонидан қорамоллар сут маҳсулдорлигига озуқабоп лавлагининг таъсири ҳамда элита уруғларини етиштиришнинг жадал усулини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. И.Хафизов, Б.Қахрамонов, С.Исамухаммедов., А.Хафизовнинг (2022) маълумотларига кўра, озиклантириш омили қишлоқ хўжалик ҳайвонларини маҳсулдорлиги оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, беда ўсимлиги, маккажўхори ва оралик экинлардан тайёрланган пичан, силос ҳамда сенаж асосий озуқалардан ҳисобланади. И.Хафизов, У.Куччиев, А.Хафизовларнинг (2009) хулосасига кўра, тўла қийматли озиклантириш имкониятларини яратиш сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ва пуштдорлик хусусиятларини оширади. Соҳа олимлари А. Нурматов, И.Хафизовларнинг (2024) фикрича, қорабайир зот отларига мақбул озиклантириш шароитини яратиш, уларни насл ва ишчанлик хусусиятларини яхшилайти

Ўзбекистонда яратилган ягона бушуев зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда, турли тизимлардаги бушуев зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишнинг биологик хусусиятлари ва технологик усулларини қўллаш натижасида соф бушуев қорамол зотининг генофондига хос бўлган насли буқалардан фойдаланиб, соф зотли урчитиш, чорвачилик иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши, уларни қисқа муддатларда маҳсулдорликни оширишга ва унинг сифатларини яхшилашга имкон бериши аниқланган. Бунда тизимлар бўйича урчитишдан самарали фойдаланиб, юқори сифатли сигирлар сутини ишлаб чиқариш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширишда, уларни тўла қийматли, меъёрлаштирилган озуқалар билан етарли даражада озиклантириш муҳим аҳамиятга эга. Мақбул озиклантириш ва сақлаш шароитларда, тизимлар бўйича урчитишдан олинган авлодлардан сифатли озик-овқат ва юқори энергетик қийматга эга бўлган сут маҳсулоти олишга эришилганлигини, шунингдек, турли зотларда, турли ҳудудларда, ҳар-хил иқлим ва экологик шароитларда қорамолларнинг тирик вазни, кунлик кўшимча вазни, ўсиш тезлиги, биологик хусусиятлари ва экстерьер кўрсаткичларини турли

селекция усулларида ошириш, сут ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаганлигини олиб борилган илмий тадқиқот натижаларида кўриш мумкин.

Илмий тадқиқотларининг натижалари таҳлил этиш шуни кўрсатадики, юқори маҳсулдор подалар яратишда селекция-наслчилик ишларини мақсадли олиб бориш, бунда юқори маҳсулдорликка эга бўлган наслдор буқалардан кенг фойдаланиш, бушуев зотининг генофондига хос ирсий имкониятларидан унумли фойдаланиш, асосий селекция белгилари ўртасида мавжуд корреляция коэффициентлари бўйича селекция ишларини олиб бориш, юқори маҳсулдор сигирлар етиштириш, бунда сигирларни озиклантириш ва асраш шароитини яхшилаш шунингдек, соф зотли урчитишдан олинган авлодларининг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, сут маҳсулдорлиги ва унинг сифати каби селекцион-технологик белгиларини тўлиқ юзага чиқаришда хайвонларни ирсий келиб чиқиши, генотиби ўз таъсирини ўтказганлиги ўрганилган.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар айти пайтда республикада яратилган бушуев зотли сут йўналишидаги қорамол зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида зотнинг етакчи тизимларига мансуб буқалардан самарали фойдаланиш натижасида ушбу зотга мансуб қорамолларнинг биологик хусусиятлари ва технологик усулларида кенг фойдаланилган ҳолда уларни авлодларининг селекция белгилари такомиллаштирилди.

Хулоса: Ўзбекистонда яратилган ягона бушуев зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда, сут йўналишдаги бушуев зотли қорамолларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш, илмий тадқиқотларининг натижалари таҳлил этиш шуни кўрсатадики, бушуев зотли қорамолларнинг бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлар ташкил этилди. Сигирларни наслдор буқаларнинг уруғлари билан сунъий усулда уруғлантириш бўйича жуфтлаш режаси ишлаб чиқилиб ва унга биноан қорамолларни жуфтлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида бушуев зотли қорамолларнинг юқори маҳсулдор сигирлар подаси яратилди. Шунингдек, ушбу зотга мансуб қорамолларнинг насли яхшиланишига ҳам муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4576 Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги "Чорвачилик тармоғларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5017 Қарори.
3. B.D.Allashov, Yangiboyev A.E. Kuchchiyev O.R. Qora-ola zotli qoramollar sut mahsuldorligiga ozuqabop lavlagining ta'siri hamda elita urug'larini yetishtirishning jadal usuli. Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining 12-14 may 2022 yildagi "Qishloq xo'jaligida innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqarish va joriy etishning istiqboldagi vazifalari" mavzusidagi fnjuman materiallari to'plami.111-bet
4. Абдолниёзов Б., Худоёров Р. Қизил ола голштин билан қизил-чўл зотлари дурагайларининг маҳсулдорлиги. "Агро-илм" журнали, 2007-йил, 2-сон, 33-бет.

5. Абдурасулов Ш., Бойбулов Б. ва бошқалар, “Қорамолчиликда соғин сигирларни парваришlash ва сутни қайта ишлаш технологиялари”, Қарши-2021 йил. Қўлланма.
6. Акмальханов Ш. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане// Мехнат.- Тошкент: -1993.-С. 59-60. 4. Аширов М.Э. Сутдор қорамоллар селекцияси. Тошкент-2017 йил, “Наврўз”нашриёти, 285-297-бетлар.
7. Аллашов Б.Д, Рахмонов Д.О., Безверхов А.П. Использование сафлора в качестве нетрадиционной кормовой культуры. Ж.// Главный агроном. Россия № 6. 2019. 2019:6.
8. Б.Аллашов, С.Жамолов.Озуқабон экинларнинг иссиққа ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж.Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. 2023/11/11. Ст.230-233
9. Амиров Ш., Гаппаров Ш., Қўзибоев Ғ. Бушуев зоти миллий бойлигимиз. Чорвачилик ва наслчилик иши журнали, 2020 йил, 2-сон, 6-7 б.
10. Амиров Ш., Бойбулов Ш. Бушуев зотини маҳсулдорлигини яхшилаш давр талаби. Чорвачилик ва наслчилик иш журнали. 2020 йил. 1-сон. 10-11 б.
11. Б. Бойбулов ва бошқалар. “Қорамолчиликда соғин сигирларни парваришlash ва сутни қайта ишлаш технологиялари”. Қарши-2022 йил, қўлланма, 100-бет
12. Нурматов А.А., Хафизов И.И., Хафизов А.И., Карибаева Д..Скороспелость жеребят карабаирский породы и их помесей с фризской породой. Материалы конференции:Актуальные вопросы совершенствование технологии производства и переработки продукции сельского хозяйства. Мосоловские чтения. Материалы международной научно-практической конференции. Марийский НИИС/Х-фил. Фед. аг.науч.ц.р Сев.-Вос. им.Н.В.Руницкого. 2024г., № XXVI.,С. 486-490.
13. Парманова Д.М.. Rational use of different types of feedings in the feeding of Karakol sheep. ACADEMICIA: : An International Multidisciplinary Research Journal-2021, 190-193 с.
14. С.Ғ.Жамолов, Б.Д.Аллашов. Кузги ва баҳорги муддатларда экилган озуқабон экинларда олиб борилган селекция ва бирламчи уруғчилик ишлари. Ж.Science and innovation. Том 2. Номер Special Issue 8, Ст. 302-306
15. Р.Пардаев, Б.Бойбулов, А.Каххаров, “Сут йўналишидаги қорамол зотларидан гўшт ишлаб чиқаришда фойдаланиш самарадорлиги”. Самарқанд-2021 йил, тавсиянома, 50-бет.
16. Хафизов И.И., Куччиев У., Хафизов А.И.. Тўла қийматли озиқлантиришни ташкил этишнинг сигирлар сут маҳсулдорлигига таъсири. 2009 й., ж:"Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналининг "Агро илм" иловаси., Тошкент, № 2-сон(6), 24-25б.
17. A.A.Nurmatov, B.D.Allashov, Sh.Sh.Jabborov, I.Rustamova, Sh.Tursunov. Feeding farm animals based on the new innovative total mixed ration (TMR) technology. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. 2020/12/1. 614 (1), 012161
18. B.Amanturdiev, B.Allashov, F.Toreev, N.Khudoyberdiev, U.Beknaev. Investigating stimulated ripening indicators of longbeak rattlebox (Crotalaria) planted in the coasts of the Aral Sea. E3S Web of Conferences, 2023, 421, 01001
19. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 2020 614 (1), 012159
20. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, M.N.Sattarov. Primary seed production of fodder crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 2020 614 (1), 012160

21. M.I. Annaeva, F.N. Toreev, M.M. Yakubov, B.D. Allashov, N. Mavlonova. Agrotechnology of *Melilotus albus* cultivation in saline area. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012170
22. B. Mardatov, B. Allashev, U. Beknaev, R. Khalimmetova, A. Sharapov. Mixed cultivation of legumes and cereals to strengthen the fodder base in cattle husbandry. E3S Web of Conferences Эта ссылка отключена., 2021, 258, 04048